

## Таиланддаги масжидга саёҳат



19:05 / 14.01.2020 2428

Таиланддаги энг катта масжид - Сонгхла марказий масжиди. Бу ҳақда [kup.uz](#) манбаси хабар беради. Ушбу масжид яқинда қуриб битказилган. Маҳаллий аҳоли янги масжидни Тожмаҳал деб ҳам атар экан.

Бугунги кунда Таиландда 3,5 мингга яқин масжид фаолият юритади. Мамлакатда тахминан 3,5 миллион мусулмон яшайди (жами аҳолининг 5 фоизга яқини).

Қозоғистонда 3,7 минг атрофида масжид бор. Мамлакатда тахминан 13 миллион мусулмон яшайди (жами аҳолининг 70 фоизи).

Ўзбекистонда 2066та масжид бор. Мамлакатда 32 миллиондан ортиқ мусулмон яшайди (жами аҳолининг 95 фоизи).

2018 йил Қозоғистонда 38та, Ўзбекистонда 13та 2019 йил Қозоғистонда 80та Ўзбекистонда 10та янги масжид очилди.

2019 йил Қозоғистонда 271та Ўзбекистонда 90та масжид таъмирдан чиқарилди.

***Islom.uz*** портали таҳририяти